Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 18-mart, seshanba № 35 (3384)

Биз ерга қанчалик меҳрли, саховатли бўлсак, ер ҳам бизга шунчалик саховат кўрсатади. Чунки Шарқда азалдан яхшиликка яхшилик билан, саховатга саховат билан жавоб бериш элнинг ҳам, эрнинг ҳам, ернинг ҳам удуми бўлган.

Ислом КАРИМОВ

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Шуни ёдда тутайликки, 1 гектар майдондаги дарахтзор 54 тонна чанг, 5 тонна ис газини ушлаб қолиб, ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинишини 40-45 фоизга камайтиради.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикамиз аҳолисига Мурожаати»дан

Бунёдкорлик ва меҳр-оқибат тимсоли

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 6 мартдаги фармойиши асосида март-апрел ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Ушбу ойлик доирасида 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

У юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, овул ва маҳаллалари, меҳнат жамоаларида уюшқоқлик билан ташкил этилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувидан олинган маълумотларга кўра, ҳашарда 12 млн. нафардан зиёд юртдошимиз фаол қатнашди. Ҳашарчилар ўзлари яшаётган ҳудудларни ободонлаштириш билан бирга, яшил майдонларни кенгайтириш, янги боғлар, гулзорлар барпо этишга ҳисса қўшди.

Ҳашар давомида 28 минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди, 19 минг км.дан кўпроқ ариқ ва лотоклар тозаланди, 18 млн. тупдан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди. Маҳаллалар, аҳоли яшаш жойлари, гузар ва хиёбонлар, кўп қаватли уйлар атрофи ва ҳовли-жойлар, болалар ўйин майдончалари, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Ҳовлилар, кўп қаватли уйлар атрофи, хиёбонлар ҳамда боғларга қарийб 16 млн. туп мевали ва манзарали дарахт ва 10 млн. тупдан зиёд гул кўчатлари экилди.

Ҳашар куни юртимизнинг турли ҳудудларида юзга яқин савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншооти, кичик корхоналар, маданият масканлари, маҳалла гузарлари, болалар ўйин майдончалари фойдаланишга топширилди.

Президентимизнинг 2014 йил 24 февралдаги «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз айёми арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам фаол қатнашди.

Жумладан, маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларда кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш мақсадида Миробод туманидаги «Толариқ», «Салар», «Янги Қўйлиқ», «Олмазор» ва «Парвона» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 150 нафар касаба уюшма ходимлари 500 нафардан ортиқ маҳалла аҳли ҳамда фаоллари билан биргаликда 1000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишди, 7 гектардан ортиқ майдон ободонлаштирилиб, 3,5 км.га яқин ариқ ва лотоклар тозаланди, маҳаллалар ҳудудида тўпланиб қолган 5 тоннадан ортиқ маиший чиқиндилар махсус жойларга чиқариб ташланди. Шунингдек, йўл ва кўп қаватли уйлар четидаги мингга яқин дарахтга шакл берилиб, оқланди. «Парвона» маҳалласида туман ҳокимлиги ва маҳалла фаоллари билан бирга 2 та болалар майдончаси барпо этилди. Бундан ташқари, Федерация Кенгаши томонидан Миробод туманидаги маҳаллаларга экиш учун 2000 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳомийлик ёрдами сифатида берилди.

***

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ аҳли умумхалқ хайрия ҳашарини зўр уюшқоқлик билан ўтказди. Ҳашарда 853 минг 742 киши қатнашиб, 616,2 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

431 км. ариқ-зовурлар тозаланиб, 1838,3 минг тонна маиший чиқиндилар белгиланган жойларга чиқариб ташланди. 228 минг 960 туп манзарали, 197 минг 596 туп мевали дарахт, 133 минг 458 туп гул кўчати экилиб, 314 минг 264 туп дарахтга шакл берилди. Ҳудуддаги 281 та қабристон ва 79 та зиёратгоҳда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

— Ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш миллий қадриятларимиздан саналади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон бўлими раисининг ўринбосари Азамат Холбоев. — Кам таъминланган 109 оиланинг уй-жойлари таъмирланди, 807 эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Шу тарзда, Оролбўйи воҳасининг шаҳару туманларида, овулу қишлоқларида орзиқиб кутилган Наврўз айёмини кутиб олишга катта тараддуд кўрилмоқда.

***

Умумхалқ ҳашари куни **АНДИЖОН** вилояти шаҳар ва қишлоқларида, кўча ва йўл бўйларида тозалик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин тус олди.

Вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фондидан олинган маълумотга кўра, ҳашарда 967 мингдан зиёд фуқаро қатнашди. Уларнинг 671 нафардан зиёди ёшлар эди. Ҳашар давомида вилоят бўйича 1396,2 гектар ер майдони тозаланди, 986.4 километр ариқ – зовурлар қазилди, 871 та қабристон, 74 та зиёратгоҳда таъмирлаш ва оқлаш ишлари олиб борилди.

— Ҳашар кўтаринки кайфиятда ўтди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилоят бўлими раиси Икромжон Валиев. — 495 минг тупдан зиёд мевали кўчатлар, 573 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. 1514.2 тонна чиқинди чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, баҳор байрами арафасида ногирон ва кам таъминланган 1043 та оилага, ногирон ва ёлғиз қариялардан 781 нафарига байрам совғалари топширилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. 539 та кам таъминланган оилаларнинг уй-жойи таъмирланди.

***

СУРХОНДАРЁ. Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган ҳашар мамлакатимиз жанубида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини, корхона ва ташкилотларда эрта тонгдан ҳашар кайфияти ҳукм сурди. Маҳалла гузарлари, барча идора ва ташкилотлар, кўчалар, истироҳат боғларида тозалаш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Ҳашарда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши тасарруфидаги 2100 тадан ортиқ бошланғич ташкилот етакчилари фаоллик кўрсатишди.

— Термиз шаҳридаги Ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуасига борадиган катта йўл ёқасида ободончилик ишлари амалга оширилди. Хусусан, касаба уюшма фаоллари ҳудуддаги майдонга мевали ва манзарали дарахт ва минглаб гул кўчатлари ўтқазишди. Бирлашма ташаббуси билан Сариосиёдаги «Фарҳод» Мурувват уйи, Термиз шаҳридаги 12-«Меҳрибонлик»-уйи, Шўрчи туманидаги 122-ихтисослаштирилган мактаб-интернат тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилди. Муҳими, меҳрга, кўмакка муҳтож юртдошларимизга ош дамланиб, байрам тантаналари ўтказиб берилди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов.

***

Наврўзолди умумхалқ хайрия ҳашарида етти юз мингдан ортиқ **ЖИЗЗАХ**ликлар ҳам фаол иштирок этди. Меҳнат байрами маҳаллаларда, таълим муассасалари, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, кўча ва хиёбонларда, олис қишлоқ ҳамда овулларда юксак кўтаринкилик кайфияти ташкил этилди.

Касаба уюшма фаоллари ва ёшлар ҳам ҳар доимгидек ибрат кўрсатишди. Шу куни икки миллион туп мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари ўтқазилиб, кенг кўламли ободончилиқ ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. 2200 тонна чиқинди шаҳар ташқарисига ташиб чиқарилди, 500 та қабристон ва зиёратгоҳ ободонлаштирилди.

Эҳтиёжманд ва кам таъминланган, ёлғиз қария ва ногиронлардан 600 нафари ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий кўмак берилди, уларнинг 22 минг квадрат метр ҳажмдаги турар жойи таъмирлаб берилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Иш билганга минг танга

Ҳар бир ўқувчига беш юзта кўчат

Сирдарё вилоят ҳокимлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ёшларда ишбилармонлик, бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида 38 та коллежга 190 гектар ер майдони ажратиб берилди. Эслатиб ўтамиз, ўтган йилда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан коллеж ва лицейга қабул қилинган ҳар бир ўқувчи камида 500 туп терак қаламчалари ўтқазиши ҳамда уч йил давомида парваришлаши, ўқишни тугатгач, уларни сотиб тадбиркорликни йўлга қўйиши учун мўлжалланган лойиҳа амалиётга татбиқ этилган эди. Бу ташаббус жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

— Бизга ажратиб берилган ерда кўчат етиштириш билан ҳудудни кўкаламзорлаштиришга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз, — дейди Мирзаобод қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Нигора Сатторова.

— Ҳар бир коллеж ва лицейга ажратилган 5 гектар ерга ўртача 275 минг туп терак қаламчалари ўтқазиш режалаштирилган, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Рустам Жарбеков.

Айни кунларда Мирзаобод, Сардоба, Сирдарё туманларида ерни тайёрлаш, ўғитлаш, қаламча захираларини яратиш ишлари ниҳоясига етказилиб, кўчат экиш ишлари бошлаб юборилган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Хабарлар

Кредит эвазига

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл ва имкониятлар яратилганлиги боис Самарқанд шаҳридаги «Асл нафис» ОАЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Корхона «Асакабанк»нинг вилоят бўлимидан 17 миллиард сўм кредит олиб, чинни идишлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги линиянинг ишга туширилиши ишлаб чиқариш ҳажмини уч баравар ошириш имконини берди. Натижада, 250 нафар киши янги иш ўрни билан таъминланди.

Ўз мухбиримиз

Витаминларга бой

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида боғдорчилик йил сайин ривожланмоқда. Жумладан, «Куйчиев Нурмаҳмад Мирзалиевич» хусусий фирмасининг 70 сотихли иссиқхонасида 600 туп лимон дарахти парваришланаётир.

Бундан ташқари, 30 сотихли анорзордан мўл ҳосил етиштириляпти. Жамланган мева ва узум 300 тонналик совуткичда йил бўйи сақланади.

— Харидорларни сервитамин мевалар билан таъминлаб келяпмиз, — дейди фирманинг илғор ишчиси Азиза Улуғмуродова. — Маҳсулотимиз аҳоли дастурхонини бундан-да тўкин қилиб, файз киритади.

Иззат ҲИКМАТОВ

Семинар

Фарғонада вилоят ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида «Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш ва мониторингини юритиш» мавзуида ўқув-семинари ташкил этилди. Унда касаба уюшмалари етакчилари, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари қатнашди.

Самарали ўтди

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Д.Ходжаеванинг маърузаси аҳолини иш билан таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва бу борада эришилаётган ижобий натижаларга бағишланди. Айниқса, ишга жойлашишда ёшлар, коллеж битирувчиларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этиб ўтилди.

Семинар иштирокчиларида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д.Усмоновнинг «Ташкил этилган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторинг юритиш тартиби, янги ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини ўрганиш» ҳақидаги маърузаси катта қизиқиш уйғотди. Маъруза юзасидан қизғин баҳс-мунозара бўлиб ўтди. Касаба уюшма фаолларининг саволларига вилоят статистика бошқармаси, иқтисодиёт бош бошқармаси, Республика Марказий банки вилоят бош бошқармасининг мутасадди ходимлари жавоб берди.

Ўқув-семинар доирасида тингловчиларга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тайёрланган услубий тавсиялар юзасидан тушунтириш берилди.

Семинар якунида ҳамкорликда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар тўғрисида келишиб олинди.

М.АКРАМОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ижтимоий ҳимоя бўлими мудири

Талаб ва таклиф учрашуви

«Ўзэкспомарказ»да бўлиб ўтган «JobFair — 2014» еттинчи ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасида мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини оширишга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Унда Ўзбекистонда турли йўналишларда фаолият юритаётган бир юз элликдан зиёд компания иштирок этди. Иш берувчи билан реал вақтда танишиш талабгор учун муҳим аҳамият касб этади. «JobFair» ярмаркаси мутахассислар учун ана шундай имконият яратади.

17-21 март кунлари «JobFairOnline2014» онлайн-ярмаркаси бўлиб ўтади. Унда талабгорлар www.jobfair.uz интернет портали орқали ярмарка ишида иштирок этади. Ушбу онлайн-ярмаркада икки минг компания қатнашиши кутилмоқда.

Асқар ЁҚУБОВ
(ЎзА) олган сурат

Меҳнат муҳофазаси

Профилактика

касб касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ҳайъати ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қўшма қарори қабул қилиниб, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ҳайъати ҳамда ЎзКУФК Раёсати томонидан «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ишлаб чиқилган.

Унга кўра, корхоналарда касб касалликларининг олдини олиш, ўз вақтида ва илк босқичларида ташхислаш, беморларнинг тиббий ва меҳнат реабилитацияси самарадорлигини ошириш учун асосий профилактик йўналишлари бўйича зарур чора-тадбирларнинг жамоа шартномалари ва келишувларига киритилиши орқали бажарилишига эътиборни кучайтириш белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган ходимлар соғлигини сақлаш, касбий ва умумий касалликларнинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш соғлиқни сақлаш тизими ва касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаларидан экани ҳеч кимга сир эмас. Таҳлилларга кўра, жорий йил 1 январ ҳолатига Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган, касб касалликларига чалинган 1947 нафар фуқародан фақат 1035 нафари белгиланган имтиёзлардан тўғри фойдаланиб келаётганлиги аниқланган, айрим фуқароларимиз эса тўлиқ фойдаланмаяпти, баъзилари эса бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга эмас. Рўйхатда турган фуқаролар орасида мамлакатимиздан ташқарига доимий яшаш учун кўчиб кетганлар ҳам бор бўлиб, улар бўйича маълумотлар базаси эскириб қолган.

Шу каби масалаларга ойдинлик киритиш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси шаҳар ҳудудий бошқармаси ўртасидаги келишув ҳамда бирлашма кенгаши раёсати ва шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси кенгашининг қўшма қароридаги вазифаларни бажариш мақсадида жорий йилнинг январ-феврал ойларида туман ҳокимликлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бош бошқармаси, оилавий поликлиникалар, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман тузилмалари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-гигиена ва касб касалликлари институти ходимлари билан ҳамкорликда мониторинг ишлари олиб борилди.

Мониторинг жараёнида касб касаллигига учраган фуқаролар ҳам қатнашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Жумладан, даволаниш учун бериладиган йўлланмаларнинг соддалаштирилганлиги, даволаш масканидаги яратилган қулайликлар, бундан ташқари, иш берувчилар ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари томонидан тўланаётган тўловларнинг вақтида ва тўла ҳажмда бериб борилиши юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Биринчи марта ташҳисланган касб касалликлари таҳлили ўрганилганда, улар сони камайгани кузатилди. Касб касалликлари билан касалланиш кўрсаткичи 2007 йилга нисбатан икки баробарга озайди. Бирламчи касб касалликларини нозологик бирликларда ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, бурун, томоқ, қулоқ аъзолари касалликлари сони кескин камайган, пестицидлар билан заҳарланиш бирмунча озайган, пневмокониозлар гуруҳига кирувчи силикоз касаллиги эса, аксинча, кўпайган.

Пойтахтимизда касб касалликларига чалинган беморларнинг 14,3 фоизи ҳар йили тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан экспертизадан ўтказилиб, ногиронлик гуруҳи ва касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлиги даражаси белгиланиб келинмоқда. Беморларнинг 87,3 фоизига ногиронлик гуруҳи ва касби бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражаси муддатсиз белгиланган.

(Давоми 2-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 18-mart № 35 (3384)

Бунёдкорлик ва меҳр-оқибат тимсоли

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Баҳор келиши билан ободонлаштириш тадбирлари бошлаб юборилган **ХОРАЗМ** воҳасида умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди. Эрта тонгдан ҳашарга отланган одамлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида, хайр-саховат тадбирларида ўз инсоний фазилатларини яна бир карра намойиш этдилар.

Ҳашарчилар кўмагида 4000 гектарга яқин майдон ободонлаштирилди, 1000 километрга яқин ариқ ва лотоклар тозаланди. Айниқса, боғларга ишлов бериш ва янги боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда, 1 миллион 700 мингга яқин манзарали, 1 миллион 300 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Хайрли тадбирларда касаба уюшма ходимлари ва фаоллари ҳам муносиб иштирок этдилар. Ўз ишхоналари, кўча ва маҳаллалари атрофларини ободонлаштириб, файзига файз, чиройига чирой қўшган касаба уюшма фаоллари кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олдилар, мурувват ёрдамлари кўрсатилиб, халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат яна бир карра намойиш қилинди.

***

Умумхалқ ҳашари **СИРДАРЁ** вилоятидаги барча ташкилот, муассаса ва корхоналар, фуқаролар йиғинлари ҳудудида ҳам уюшқоқлик билан ташкил этилди.

Ҳашарчилар ғайрат-шижоати билан вилоятнинг 1835,9 гектар майдони ободонлаштирилди, 5272,8 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 1303,3 км. узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланиб, 158 та зиёратгоҳ ва қабристон тартибга келтирилди. 519321 туп манзарали ва 225581 туп мевали дарахт ниҳоллари ҳамда 172019 туп гул кўчатлари ўтказилди, 648015 туп дарахт оқланиб, шакл берилди.

Шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотларида «Кўчат экиб, боғ яратайлик» шиори остида тармоқ ходимлари жонбозлиги билан 17056 та мевали, 19894 та манзарали дарахтлар экилди. Ҳашар муносабати билан корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнат қилаётган ҳар бир ходим томонидан ташкилот биноси ободонлаштирилди.

Хайрия ҳашари кунларида 1159 та эҳтиёжманд оиланинг 23300 метр квадрат майдондаги уй-жойлари таъмирланди, 516 нафар кам таъминланган оилага 23492 минг сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

***

САМАРҚАНДликлар ҳам умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан энг чекка қишлоқларига қадар меҳнат байрами кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда 1902307 нафардан зиёд фуқаролар иштирок этди.

Ҳашарда 2345,8 гектар майдон ободонлаштирилиб, 2509,3 км. масофадаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Хиёбон ва майдонларга 1259080 туп дарахт, 1265500 туп гул кўчатлари ўтказилиб, 2721130 туп довдарахтларга шакл берилди. 65 та зиёратгоҳ, 1406 қабристонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд оилаларга тегишли 3120 уй таъмирланди. Ҳомийлар томонидан ушбу мақсадларга 335809,6 минг сўмлик маблағ сарфланди. 2891 та оилага моддий кўмак кўрсатилди.

— Ҳашарнинг бир кунини Иштихон туманидаги «Қувноқ» болалар оромгоҳини ободонлаштиришга бағишладик, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Анвар Шерматов. — Шу куни болалар масканида юздан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, 8 сотих майдонга картошка уруғи қадалди.

***

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида пойтахт аҳли зўр кўтаринки руҳда иштирок этди.

Меҳнат байрамида 692 минг 401 нафар киши томонидан 742,8 гектар майдон ободонлаштирилди. 1055,3 тонна маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари белгиланган жойга чиқариб ташланди. 483.4 км. узунликдаги ариқ ҳамда лотоклар тозаланди. 23921 туп мандарин, 42144 туп мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. 188.654 туп дарахтларга шакл берилди.

Шу куни аҳолининг ижтимоий ҳимоясига муҳтож қисмига мурувват ҳамда ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Жумладан, 514 нафар оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди. 392 нафар ногирон ва ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларга 72.318 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

***

ТОШКЕНТ вилоятида ўтказилган умумхалқ ҳашарида 1.142 минг киши иштирок этди. Шу куни ҳудуддаги 8 минг 413 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 5.445 км. ариқ ҳамда зовурлар, 747 та зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди. Турар жой мавзелари ҳамда маҳаллалардаги дарахтларга шакл берилди. 960.7 минг туп манзарали, 1921.5 минг туп мевали, 2213.6 минг дона гул кўчатлари экилди. 1729 та техника воситалари жалб қилинган ҳолда 7817 тонна маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари махсус жойларга олиб чиқиб ташланди.

Ҳашар куни қатор янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Оққўрғон туманида «Бирлик» МФЙ ҳудудидаги ёшлар кинотеатри, Юқори Чирчиқ тумани Бордонқўл ҚФЙ ҳудудидаги «Техно ИНВЕСТ» МЧЖ томонидан бунёд этилган шиша ишлаб чиқариш цехи каби объектлар шулар жумласидандир.

***

НАМАНГАН вилоятида ҳам умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ташкил қилинди.

Ҳашарда аҳоли томонидан 2197 гектар майдон ободонлаштирилиб, 1915 км. ариқ-зовурлар тозаланди. 2281 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди.

Вилоятдаги 600 та зиёратгоҳ ва қабристонда ободонлаштириш ва тозалаш ишлари амалга оширилди. 762,2 минг туп мевали ва 827,8 минг туп манзарали ҳамда 832 минг туп гул кўчатлари экилди. 2 млн. 804 минг туп дарахтлар буталиб, шакл берилди ва оқланди. Ободонлаштириш ишларига вилоят бўйича 544 та техника воситалари жалб этилди.

Бундан ташқари, 2900 та кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оилаларининг 108 минг кв.метр уй-жойлари таъмирланди. 796 нафар ногирон ва якка-ёлғиз қариялар, 4428 та кам таъминланган оилага мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Дарвоқе, ҳашар кунлари Наврўз байрамида ишга туширилиши режалаштирилган кўпгина объектларда қурилиш ишлари якунланиб, очилиш маросимлари ўтказилди.

***

Наврўзи олам арафасида ўтказилган меҳнат байрами **НАВОИЙ**да катта сафарбарлик ва кўтаринки руҳда кечди. Тадбирда 583998 нафар киши иштирок этди. Улардан 356 минг нафаридан кўпроғи ёшлардир. Ҳудуддаги 1453 гектар майдонда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 1493 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари ташиб чиқарилди. 1378 километр ариқ ва зовурлар тозаланди.

Ободонлаштириш ишлари 48 та зиёратгоҳ ҳамда 390 та қабристон ҳудудида ҳам олиб борилди. Вилоят миқёсида 249619 туп мевали ҳамда 321 минг тупдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Янги гулзорлар барпо қилиниб, 470 минг тупга яқин кўчатлар экилди. 816 туп дарахтлар оқланиб, шакл берилди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган эзгу амаллар ҳам кенг қулоч ёйди. Кам таъминланган оилалардан 178 тасининг турар жойлари таъмирланди. Шунингдек, 1415 та эҳтиёжманд оилага ёрдам кўрсатилди.

***

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида ҳам корхона, ташкилот ва муассасаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин ўтди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ходимлари томонидан 500 квадрат метр майдон ободонлаштирилиб, 2 тонна чиқинди олиб ташланди. Ҳудудга мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, мавжуд дарахтлар оқланди.

Катта қурилиш ва бунёдкорлик жараёнлари кетаётган вилоят онкология диспансери ходимлари шифохона ҳудудида янги боғ ташкил этишга бел боғлашиб, яхши ният билан мевали ҳамда манзарали дарахтлар ўтқазишди.

Мамлакатимизнинг йирик саноат корхоналаридан бўлган «Муборак газни қайта ишлаш заводи» УШ корхонасида ташкил этилган ҳашарда 2000 нафардан зиёд ишчи-ходим иштирок этди. Барча цех ва бўлимларда озодалик ва ободлик тадбирлари уюштирилиб, қадимий ва нафис байрамимиз — Наврўзи олам ташрифига муносиб ҳозирлик кўрилди...

***

Умумхалқ ҳашарида **БУХОРО** вилоятидан 762 мингдан ортиқ киши қатнашди. Уларнинг 464 мингдан зиёдини ёшлар ташкил этгани навқирон авлод вакилларининг отаболар меҳнат анъаналарини муносиб давом эттираётганидан гувоҳлик берди.

Ҳашарда 1344 гектар ташландиқ майдонлар ободонлаштирилди, 862 тонна маиший чиқинди махсус жойларга чиқариб ташланди, 979 км. узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. Шаҳар ва қишлоқлардаги 909 та қабристон ва 27 та зиёратгоҳда кенг қўламдаги ободонлаштириш ва тозалаш ишлари бажарилди.

Ҳашарда «Ҳар бир болага — бир ниҳол» даъвати асосида меҳнат қилган болапарвар боғу-роғлар ва гулу гулзорларни севувчи вилоят аҳли 525300 дан ортиқ манзарали ва 370800 дона мевали дарахт ниҳолларини ўтқазишди, 330 минг туп гул кўчатлари экилди.

— Ҳашар чоғида эҳтиёжманд оилалар, якка-ёлғиз қария ва ногиронлар уй-жой шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Маҳмуд Тоиров. — Жумладан, 160 оиланинг 12048 квадрат метр уй-жойи таъмирланди. 1503 та кам таъминланган оилага, шу жумладан, 201 нафар ёлғиз қария ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўз мухбирларимиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Профилактика

касб касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Касб касалликлари профилактикасида ишлаб чиқариш жараёнининг модернизацияси, автоматлаштириш, механизациялаштириш, дистанцион бошқарув ва робот техникаси, заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишни чеклаш, чанг миқдорини, физик омиллар даражасини камайтиришга йўналтирилган технологик чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришда маҳаллий ва умумий ҳаво алмаштирувчи вентиляцияни қўллаш, ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, маиший хоналар, овқатланиш ва дам олиш учун шароит яратиш, меҳнат режимини тўғри ташкил этиш касбий ва умумий касалликларнинг олдини олишнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Сир эмас, касб касалликлари профилактикасининг энг самарали йўналишларидан бири — ходимларни доимий профилактик тиббий кўрикдан ўтказишдир. Республикамизда касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишга қабул қилинаётганда ходимнинг дастлабки ва даврий тиббий кўриклари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги буйруғида аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

Профилактик чора-тадбирларни бажариш учун уларнинг ижросини таъминловчи ва назорат қилувчи механизмни яратиш зарур. Профилактик тадбирларни ўтказишда корхонанинг маъмурияти қатнашиши ва икки томонлама (иш берувчи ва ходим) мажбуриятлари кўрсатилган, ҳуқуқий ҳужжатлар тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Касб касалликларининг профилактикасида:

- беморда касб касаллиги аниқланиши билан, жумладан, касалликнинг бошланғич клиник белгиси кам намоён бўлган ҳолатларда, уларни диспансер назоратига олинишига;
- касалликка чалинган бемор меҳнат қилиши ёки нафақада бўлишидан қатъи назар, доимий даволаниши ва диспансер назоратида бўлишига;
- касб касалликларининг авж олиши ва асорати қўшилишининг олдини олиш мақсадида касалланган беморлар ҳар йили касб касалликлари клиникасида даволанишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Касб касалликларининг олдини олишда муҳим йўналишлардан яна бири — иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш. Ноқулай меҳнат шароитларида банд бўлган, зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳитида ишловчи ходимлар иш ўринларининг Адлия вазирлигида 1996 йил 28 майда рўйхатдан ўтган «Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш услубиёти»да белгиланган тартиб ва муддатда баҳоланишини ўрганиб чиқиш юзасидан шаҳар бирлашма кенгаши ҳам муайян ишларни амалга оширди.

Пойтахтда иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, асосан «POLI-BIOMED» МЧЖ шаклидаги илмий ишлаб чиқариш маркази, «EKO BIO-TEST» нодавлат таълим муассасаси, Тошкент Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази, «Валакат» хусусий фирмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти, «Unicon.UZ» Давлат унитар корхоналари томонидан амалга оширилмоқда.

Ўтган йил давомида пойтахтдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 3118 та иш ўрни шаҳодатдан ўтказилиб, хавфли ва зарарли меҳнат шароитида меҳнат қилаётган 841 нафар ходимнинг имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи тасдиқланди, 5021 нафар ходимнинг йиллик таътилига қўшимча таътил кунлари белгиланди, 1335 нафар ходимга бепул сут берилиши тайинланди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг 2014 йилги устувор йўналишларида — ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг бажарилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш бежиз белгиланмаган. Шуларни инобатга олиб, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институти билан келишилган ҳолда ушбу шифохонада рўйхатда турган фуқаролардан ташқари, юқорида қайд этилган хавфли ва зарарли меҳнат шароитида меҳнат қилаётган 841 нафар фуқародан 500 нафари иш берувчилар томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган ҳужжатлар асосида бепул даволанишини амалга оширишга ҳам келишиб олинди.

Р.МАҲАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Сафимиз кенгаймоқда

Биз танлаган йўл

Касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири нодавлат сектори корхоналари билан ҳамкорликни янада кучайтириш ҳисобланади. Хўш, ҳаракатлар нечоғлик самара бераётир? Жамоат ташкилоти мурожаатларини хусусий сектор вакиллари қандай қабул қилмоқда?..

Тойлоқ туманидаги «Умар Маҳмуд Муҳаммад» фермер хўжалиги раҳбари Акбар Бердиев билан АСМ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Баҳодир Мусинов мулоқоти анчага чўзилди. Жамоат ташкилоти раҳбари аъзолик афзалликлари, ходимларни ижтимоий муҳофазалашдаги қонуний кафолатлар хусусида эринмай тушунча берди. Тадбиркор «Бир ўйлашиб, фикрлашиб олайлик», деган жавобни бердию, далада ҳам, юмуш бажараётганда ҳам тарози пасангисини қайси томонга оғдиришни билмай боши қотди. Ҳатто, кўнглидан ортиқча ғалвага ҳожат бормикан, деган ўй ҳам ўтди. Аммо, табиат инжиқликларини писанд қилмасдан меҳнат қилаётган аъзоларни ўйламаслик ҳам инсофдан эмас.

Уларнинг меҳнатига яраша нима қилдим ўзи, деган саволга жавоб излади. Вақтида иш ҳақи тўлашми, уйини дон, рўзғорини маҳсулот билан таъминлашми? Буни бошқалар ҳам қилаяпти. Моддий таъминотни-ку ўрнига қўйган. Аммо бунинг ўзи етарли эмас. Одамлардан «фалон жойда дам олдим, фалон жойда саёҳатда бўлдим, хўжалигимиз раҳбарига раҳмат, бизга шундай шароитни яратиб бераётган», деган гапни эшитишнинг гашти ҳам бошқача бўлса керак. Қолаверса, касаба уюшмалари томонидан яратиб берилган имтиёздан фермер хўжалиги аъзосининг фарзанди нега бебаҳра қолиши керак? Охири кўнглидан кечганларни аъзоларига ёрилди. «Сиз нима десангиз шу, фермер бува, бизни ўйлаётганингизни тушуниб турибмиз», дейишди улар ҳам.

Чоғроққина мажлис чақирилди. Унга АСМ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раҳбари ҳам таклиф этилди.

— Фермер хўжалигимизда бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузишга қарор қилдик, — дея гап бошлади Акбар Бердиев. — Жамоат ташкилоти сафида бўлсак фаолиятимизни қонунлар доирасида ташкил этишга, ишчиларимиз моддий манфаатдорлиги ошишига, саломатлигини мустаҳкамлашга имкониятимиз кенгаяркан. Хуллас, ҳар биримизнинг иссиқ-совуғимиздан, ташвиш-ўйимиздан, оилавий аҳволимиздан хабардор, жамоада одамлар эътиборига тушган, қатъиятли бир кишини касаба уюшмага етакчи қилиб сайлашимиз даркор. Бу вазифани ким эплай олади?

Одатда, бундай вақтда одамларнинг феъл-атвори, ҳаракати беихтиёр кўз ўнгимизда гавдаланади. Танлашда иккиланишлар ҳам бўлиши табиий. Кўпчилик бундай масъулиятни бўйнига олишдан чўчиди ҳам. Уч-тўрт киши жамоатчилик асосидаги ишни зиммага ололмаслигини дангал айтиб қўя қолди.

— Мана бир сафда ишлаётганимизга ҳам қарийб йигирма йил бўлди, — деди сўз олган фермер хўжалиги аъзоси Тўлқин Исломов. — Ҳар ҳолда бир-биримизни яқиндан биламиз. Кимнинг қўлидан нима иш келиши ҳам аён. Шундан келиб чиққан ҳолда Раҳима Қулиева номзодини фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма ташкилоти раислигига тавсия этаман. Уни ҳаммамиз яхши биламиз. Масъулиятни ҳис эта олади, қолаверса, ташкилотчилик қобилияти ҳам бор.

Ўринли таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Янги етакчи касаба уюшма ташкилоти ҳужжатларини расмийлаштириш, фаолиятни ташкил этишга доир ташкилий ишларга енг шимариб киришди.

Каттақўрғон туманидаги «Ўткир» фермер хўжалиги аъзолари ҳам туман тармоқ касаба уюшмасига мурожаат этиб, аъзолар сафига қабул қилишларини сўрашган. Сир эмас, хўжалик зиммага олган вазифани муваффақиятли уддалаб келмоқда. Ҳисобда етарлича маблағи бор. Агар мавжуд имкониятдан ўринли фойдаланилса, сарф-харажат нақд эллик беш фоизга камаяди. Иқтисод қилинган маблағ билан яна бир кишини дам олдириш мумкин.

— Илгари жамоа ва давлат хўжалигида ишлаганимизда ҳам касаба уюшмаларига аъзо саналардик, — дейди Ў.Туропов. — Аммо сиҳатгоҳда дам олувчилар йиллар давомида бармоқ билан санарли эди. Йўлланмани қўлга киритиш камдан-кам кишига насиб этарди. Ҳозирда нафақат ходим, балки унинг оила аъзоларини ҳам дам олдириш имконияти яратилган.

— Далада ишлаётганларни уй-жой билан таъминлаш, кредитлар ажратиш ва бошқа мақсадларга сарфланган сарф-харажатлар жамоа шартномаси орқали амалга оширилса, қонундан чекиниш ҳолларига ҳам барҳам бериларкан, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Ўткир Йўлдошев. — Эндиликда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси мақсадларига ҳам муайян миқдорда маблағ ажратишга қарор қилдик.

Аъзолар таклифи билан Ўткир Туропов янги ташкил этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотига етакчи этиб сайланди. Айни чоғда жамоа шартномасини ишлаб чиқиш ва уни экспертизадан ўтказиш ишлари бошлаб юборилган.

Таъкидлаш жоиз, касаба уюшмалари сари интилиш яққол кўзга ташланиб қолди. Тунов куни Нарпай туман АСМ ходимлари касаба уюшмаси таркибига бир кунда 15 та ташкилот аъзо бўлиб киргани ҳақидаги хабарни эшитдик. Тизимдаги янги ташкилотлар ўтган икки ойда 139 тага кўпайибди.

— Касаба уюшмалари фаолиятининг такомиллашуви, аниқ мақсадларни кўзлаб қилинаётган хатти-ҳаракат, ислоҳотлар мевасини бераётир, — дейди касаба уюшма фахрийси Садриддин Аслиддинов. — Қарийб чорак аср шу ташкилот сафида хизмат қилдим. Шу чоққача кўплаб нодавлат ташкилотлари касаба уюшмалари билан ҳамкорликдан ўзларини олиб қочишарди. У ерда ишлаётган ходимларнинг аксарияти фақатгина иш ҳақи олиш билан чекланиб қолишганди. Бугун одамлар касаба уюшмалари сафида бўлишнинг кони фойда эканини англаб етишди.

Устувор вазифалар ижросини таъминлаш, меҳнаткашларга яратилаётган шароитларни янада мукаммаллаштириш йўлидан бораётган касаба уюшмаларининг кундалик ҳаёти тобора мазмунга тўлиб бормоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Юртдошларимизни улуғ айём —
Наврўзи олам билан муборакбод этади.
Барчага қувонч ва шодлик, тинчлик,
хотиржамлик, сиҳат-саломатлик,
фаровон ҳаёт тилайди.
Она-Ватанимизнинг гуллаб-
яшнаши йўлидаги эзгу
ишларингиз бароридан
келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

ЖОНДОР ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Мамлакатимиз аҳолисини ҳамда соҳа ходимларини кўнгилларга сурур ва ғурур бағишлаб келаётган қутлуғ шодиёна —
НАВРЎЗ БАЙРАМИ
билан қутлайди.
Фасли навбаҳор тантаналари ҳар бир жамоа, ҳар бир хонадонга қут-барака, соғлик-саломатлик, хурсандчилик, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик олиб келсин, пок юракларга ҳамиша шодлик бахш этиб турсин!

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси

Мамлакатимиз меҳнат аҳлини тобора яқинлашиб келаётган НАВРЎЗИ ОЛАМ билан самимий қутлайди. Баҳорий тароват ва гўзаллик кўнгилларингизни асло тарк этмасин! Юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлидаги ишларингизда янгидан-янги зафарлар ҳамроҳингиз бўлсин.

Навоий Кон-металлургия комбинати маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Юрт фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган мамлакатимиз фуқароларини Наврўз байрами муносабати билан самимий муборакбод этади. Баҳорий жўшқинлик ва хушкайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин! Оилавий хотиржамликда, сиҳат-саломатликда ва ўзаро шодлик улашиб яшаш ҳар биримизга насиб этаверсин!

«Навоийазот» ОАЖ бошқаруви ҳамда касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз меҳнаткашларини ҳамда барча тизим аҳлини файзу тароват ила кириб келаётган Наврўзи олам билан муборакбод этади! Дилларингизни янгиланиш ва эзгу ниятларга ошуфталик тарк этмасин. Оилаларингизга осойишталик ва шоду хуррамлик тилаймиз.

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу борада молия муассасаларининг, хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ҳам муносиб улуши бор. Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ҳамда яратилаётган кенг имкониятлар натижасида ушбу соҳалар иқтисодиётнинг етакчи кучига айланиб улгурди ва аҳолининг иш билан таъминлашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Обод турмуш йилида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» — ёш тадбиркорлар мададкори

Йил давомида коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик субъектларига 12,9 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Мазкур сармоялар ҳисобига янгидан-янги иш ўринлари барпо этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, ёшларни тадбиркорликка янада фаолроқ жалб этишга, уларнинг ўз бизнесларини бошлашлари учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Юртбошимизнинг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан кичик тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратилди. Айниқса, ёшларга микрокредит беришда банкнинг микромолиявий хизматларидан фойдаланишда қатор имтиёзлар берилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига оид бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ишлари кўлами йил сайин ошиб бормоқда.

Банкимиз томонидан тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2013 йил давомида «Оилавий тадбиркорликнинг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Касб-ҳунар коллежи битирувчисининг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Аёл тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси», «Қишлоқ жойларда энг яхши бизнес лойиҳа» ҳамда «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа» йўналишларида танлов ўтказилди. Танлов иштирокчилари орасида коллеж битирувчилари ҳам ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этиб, банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳамда эсдалик совғаларига эга бўлишди.

ЎзА суратлари

Танловда ғолиб чиққан ёш тадбиркор Эгамберди Раҳмоновга банкнинг Хоразм минтақавий филиали томонидан автомобилларга хизмат кўрсатиш учун зарур ускуна ва эҳтиёт қисмлар сотиб олиши учун 28 млн. сўм ва банкнинг Учтепа филиали томонидан «Тожинисо Файз» МЧЖга тикув машиналари ва дастгоҳлар олиши учун 150 млн.сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида 2012 йилга нисбатан кредитлаш ҳажмини 3 баробарга оширган ҳолда 2013 йил давомида улар учун 5,7 млрд.сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, талабаларнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ва Тошкент Молия институти ҳамкорлигида олийгоҳ талабалари ўртасида «Энг яхши инновацион бизнес ғоя» мавзусида танлов ўтказилди. Танловда 80 нафардан ортиқ талабалар иштирок этди. Бизнес ғоялар ишлаб чиқаришда янгилик яратишга, иқтисодиёт учун долзарблиги иқтисодий самарадорлиги ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш ҳамда янги ишчи ўринларини яратишга қаратилганига қараб баҳоланди. Ғолиб деб топилган 6 нафар талаба эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бугунги кунда ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёш тадбиркорларимиз, келгусида катта тажриба орттириб, жаҳон бозорларига сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб беради ва иқтисодиётимизнинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшади, деб ўйлаймиз.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Кредит операциялари департаменти

Истеъдод

Шуманай тумани кураги ер кўрмаган полвонлари билан машҳур. 2005 йилда Термиз шаҳрида миллий кураш бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида шуманайлик 70 ёшли Жийенбой ота Колжанов биринчи ўринни эгаллаганини ҳали-ҳануз эслашади.

Устоз кўрган Зарафиддин

Туманнинг Кўксув қишлоғида вояга етган Зарафиддин Турдимуратов ҳам эл назарига тушмоқда. У ўтган йили Ўзбекистон очиқ чемпионатида +83 кг. вазн тоифасида олтин медал соҳибига айланди.

— Шогирдимнинг ютуқларидан мамнунман. Зарафиддин бошданоқ тенгдошларига намуна, барча фанларни яхши ўзлаштирарди, хулқи ҳам ўрнак бўлгулик эди, — дейди 25-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Миножаддин Алламбергенов.

Ёш полвон ҳозирда Нукус Олимпия захиралари спорт коллежи биринчи босқичида устози Низомаддин Хўжабоевдан дзюдо сирларини қунт билан ўрганмоқда.

Шу кунларда полвон Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинларига қизғин тайёргарлик кўряпти.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Нафосат олами

Хушмуомалалик — ярим бахт

Бир қишлоқнинг зиёлилари тўпланиб, қандай одам бахтли ҳаёт кечиради, деган саволга жавоб излашибди. Бири мансабдор ва бадавлат киши бахтли, деса, иккинчиси чиройли ва хушовозлар бахтиёр, дебди, учинчиси шоир ва олимлар бахт топади, деб ишонтиришга ҳаракат қилибди. Зиёлилар тортишатортиша бу хусусиятларнинг ҳеч бири бахт бера олмайди, деган хулосага келишибди. Ҳатто, меҳнатсеварлик ҳам кишини тўла бахтли қила олмайди. Одам меҳнаткаш бўлса-ю, айни пайтда сержаҳл, ғийбатчи ёки димоғдор бўлса, унинг ҳам душмани бўлади.

— Шунинг учун, — дебди зиёлилардан бири, — хушмуомала одам ўз бахтини топади, чунки унинг душмани бўлмайди, дўстлар даврасида яшайди.

Бу фикрни барча якдиллик билан қувватлаётганида кўпни кўрган бир нуроний мўйсафид гапга аралашибди:

— Азизларим, хушмуомалалик ярим бахтдир. У бахт эшигини очиши мумкин холос, бироқ бу билан бахтни узоқ ушлаб бўлмайди. Ўзингиз ўйланг, одам хушмуомала бўлса-ю, меҳрибонликни ва ғамхўрликни билмаса, бировнинг мушкулини осон қилмай, ўз манфаатини ўйласа, бора-бора якка қаланиб қолади. Хуллас, хушмуомалалик замирида меҳнатсеварлик ва ғамхўрлик қайнаб турсагина, ундай одам умрбод бахтли ҳаёт гаштини суриши мумкин.

— Хўш, меҳрибонлик нимадан бошланади? — деб сўрашибди мўйсафиддан.

— Энг олий калом — ассалому алайкумдан бошланади, — деб жавоб қилибди отахон. — Масалан, хотин эрнинг ишдан қайтишидан олдинроқ болалари билан ҳовли ва хоналарни тозалайди, кўрпача ва ёстиқларни тўшайди, дастурхонни тузатади. Ўзини тартибга солиб, ёқимли кўринишда бўлишга ҳаракат қилади. Кечқурун оила султони кун бўйи рўзғор ташвишларидан чарчаб-толиқиб уйига келади. Шу паллада она бошчилигида болалар салом бериб, уни хурсандчилик билан қарши олишади.

Оила меҳри отани тетиклаштиради, ғайратини оширади, завқлантиради ва ҳаётга бўлган муҳаббатини метиндек мустаҳкамлайди.

Меҳрибонлик иплари барча оила аъзоларини бир-бирига чамбарчас боғлайди. Бундай оила фарзандлари меҳнатсевар, одобли, меҳрибон бўлиб етишади. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганларидек, ота-она меҳр-муҳаббати оилага садоқатли фарзандлар учун яхши ибрат бўлади. Мавриди келганда, эркак ҳам хотинига меҳрибон бўлиши керак. Хуллас, инсон хушмуомалалик, меҳрибонлик ва ғамхўрлик ипларини қаттиқ боғласа, тўла бахтга эришиши мумкин.

Мўйсафиднинг гапи барчага маъқул бўлибди.

Худойберди НАЗАРОВ,
фахрий ўқитувчи

Зомин туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида «Аёл — оила чароғбони» деб номланган тадбир ташкил этилди.

Иқтидор намойиши

Иштирокчилар ўзларининг педагогик маҳорати ва иқтидорларини намоён этишди. Айниқса, эркин шарт бўйича чиқишлар, ижро этилган қўшиқ ва рақслар, пазандалик маҳорати ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

— Мактабимизда турли тадбирлар ўтказиш ва хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда, — дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Муборак Ҳамроева. — Бундай эътибор ва ғамхўрлик педагог аёлларимизнинг касбий маҳоратини оширишга, ёшлар тарбиясига масъулият билан ёндашишга хизмат қилади.

А.СОДИҚОВ

Хотира уйғонса, гўзалдир

Аёзли кунлар чекиниб, ўлкамизга баҳор ташриф буюрди. Кўклам ҳавоси, ёшларнинг шодон кулгуси кўнгилни завқ-шавққа тўлдиради. Гузардан таралаётган чилдирма садолари барчани шоду хуррамлик давраси томон чорлайди. Беихтиёр биз ҳам ўша томонга юрдик. Ахир бундай давраларда энг ширин неъмат — дийдор нашидаси эмасми?!

Баҳор сизни эслатар

Саҳна саҳнида тайёргарлик қизғин. Бироз вақт ўтиб тантана ҳам бошланди.

Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим,
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.
Қор қўйнида сени қўмсаб ўкиндим.
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим....

Бундай соғинчли баҳорни қарши олаётганда ҳар бир киши кўнглидан ўтказади. Ушбу шеърни ҳар гал тинглаганда сўнгги мисралар кўнглимга аллақандай оғриқли дардни жойлаётгандек, ўйга толаман. «Эҳ Муҳаммаджон, Муҳаммаджон! Бундай ноумидлик шуурингизга қаердан келақолди? Орзу-ниятларни бутун қилаверсангиз бўлмасмиди?»

Баҳор тантаналари янада баланд пардаларга юз тутмоқда эди.

Армонли сўров эса хаёлимни шоир билан кечган кунларга бошлайди. Кўз ўнгимда олис-олисларга суқланиб тикилганча, баҳорни кузатаётган халқ шоирининг ўйчан чеҳраси намоён бўлади.

Муҳаммад Юсуф ижодида миллат қалби қатида етилиб, орзуларга айланган фикрлар доимо баланд пардаларда куйланган. Бунга бир неча бор амин бўлганмиз... Ўшанда «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган таъқибу камситишлар ҳали барҳам топиб улгурмаган дамлар эди. Шундай кунларнинг бирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан адабиёт ихлосмандларининг нуфузли бир учрашуви ташкил этилди. Тадбирда республикамизнинг кўзга кўринган адибу шоирлари ва ёш ижодкорлари ҳозир бўлишди. Мушоира авжига чиқди. Гали етгач, давра бошқарувчиси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов навбат Муҳаммад Юсуфга берилишини эълон қилди. Олқишлар оғушида саҳна ўртасига етиб келган шоир томоқ қириб олди-да, бўғиқ оҳангда шеър бошлади:

...Элим, деб ким куйса —
Бари қамалди.
Кимки ерни суйса —
Бари қамалди.
Жаллоднинг ғазнаси тўлгунча зарга,
Сенинг бўз кўйлагинг минг бор ямалди.
Эй, сен содда халқим,
Ғамбода халқим.
Сен бир кун тинган кун — олам оч қолар...

Ўқилган иккинчи шеър ҳам элнинг қалб туғёни ифодасини англатарди:

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздиму бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эласам, эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени, она тилим.

Нуфузли мушоира ниҳоясига етди. Ана шу ойли оқшомда чиқиш эшиги ёнига етиб келган ўктам ва бийрон ижодкорлар ҳадеганда тарқала қолмасди. Мухлис йигит-қизлардан бир гуруҳи сал четроқда жамланди. Кейин уларнинг вакиллари орқароқ қаторда турган шоир ёнига истиҳола билан яқинлашишди:

— Кечирасиз, Муҳаммад ака, бизга дастхат ёзиб беролмайсизми?

Жонли сатрлар соҳиби сифатида танила бораётган шоир меҳр ва ихлос порлаб турган ўша қора кўзлар даврасида анча вақт қолиб кетди. Бундай бахтли онларни Муҳаммаджон фаолиятида кўп бора кузатганмиз.

Муҳаммад Юсуф шеъриятда ўзига хос мактаб яратди. Ватанини жондан севган шоир баҳор насимида қилдай жони ҳилпираб турувчи лолақизғалдоқлар билан ҳам ўз тилида тиллашиб, «Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ», деб ёзди.

Айниқса, шоирнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзган шеърида наинки замона, балки юлдузларга ҳикмат қўша олган буюк алломанинг ҳар сафар «қон йиғлаб» туриши, кўкси тўла дард эканлиги кишини ўйга толдиради:

Бағримда бўй етган бўз болам,
Мерган болам, лочин кўз болам,
Бўғзимга тиғ урган ўз болам,
Мен дардимни кимга айтаман.

Муҳаммаджон билан айтарли тенгдош эдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилингач, у билан тез-тез учрашиб турдик. Дўстлик бобида ҳам у жуда бағрикенг инсон эди. Керак бўлса, меҳри тушган ҳар кишини бағрига олишга тайёр эди.

Муҳаммад Юсуф шеър ва қўшиқлари билан зийнатланган Наврўзолди шодиёнаси жуда шукуҳли ўтди. Ўйин-кулгу авжига чиқди. Ҳамроҳлар қатори ҳавасак таом — сумалак солинган косага қўл узатдим: «Баҳорга етказганига шукур!»

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бирлашган касаба уюшма қўмитасининг собиқ раиси **Анатолий МЕЛЬНИКОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Тўйчи Жумановга отаси **Соатмурод бобо ЖУМАНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Реклама

IPOTEKA BANK

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

Сизларга ўз маблағларингизни кўпайтириш, шунингдек, коммунал тўловларни тўлашда янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

«ЯХШИ СОВҒА» ютуқли омонати

Сақлаш муддати: **4 ой.**

Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин. Омонатга фоизли даромад тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи якунига кўра, ютуқ тўланади. Ютуқ омонат муддати тугаганда берилади. Омонатнинг энг кам миқдори 1 000 000 сўм. Ютуқлар тиражи 2014 йил июл ойининг биринчи ярмида ўтказилади.

«КОММУНАЛ-АКТИВ»

Сақлаш муддати: **3, 6, 9 ва 12 ой.**

Омонатга фоизлар олдиндан ҳисобланиб, омонатчининг аризасига кўра тегишли коммунал ташкилотларининг ҳисобварақларига коммунал тўловлар учун ўтказиб берилади.

«КОММУНАЛ-ПЛЮС»

Сақлаш муддати: **12 ой.**

Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад омонатчининг аризасида кўрсатилган коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ҳар ойда ёки омонатчи хоҳлаган муддатда коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

«КОММУНАЛ-ЛЮКС»

Сақлаш муддати: **1 ой.**

Омонатга қўйилган маблағлар белгиланган сақлаш муддати тугагандан кейин унга ҳисобланган фоизли даромад билан бирга омонатчи аризасида кўрсатилган коммунал ташкилот ҳисобварағига коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

Мурожаат учун телефонлар: (371) 150-89-17
(371) 150-89-57 (371) 150-89-58

«Ипотека-банк» — имконият яратамиз

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.12
Topshirildi - 21.45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 | 22511 nusxada bosildi | 2345